



«**Слово о полку Игореве**») «**Слово о полку Ильином**»).

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қуръон ўқинглар, зеро у қиёмат куни ўз эгаларига (яъни, уни ўқиганларга) шафоатчи бўлиб келади» (Ином Муслим ривояти).

«**Сибирь** – это **Сибирь**, а не **Сибирь**». «**Сибирь**» – это **Сибирь**, а не **Сибирь**») «**Сибирь**» – это **Сибирь**, а не **Сибирь**»).

Наввос ибн Самъон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қиёмат куни Қуръонни ва унга амал қилган қуръон аҳлини олиб келинади, уларнинг олдида Бақара ва Оли Имрон суралари ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади» (Ином Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Куръон соҳибига (жаннатда):



«Үқи ва (жаннат даражотлари узра) юксал, дунёда қандай тиловат қылган бўлсанг ўшандай тиловат қил, сенинг мартабанг ўзинг ўқиб-ўрганган охирги оят даражасида» дейилади» (Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръон ўқийдиган мўминнинг мисоли утружжага ([расмини кўринг](#)) ўхшайди, ҳиди хушбўй, мазаси ҳам ширин. Қуръон ўқимайдиган мўминнинг мисоли хурмога ([расмини кўринг](#)) ўхшайди, ҳиди йўқ, мазаси эса ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқнинг мисоли райхонга ([расмини кўринг](#)) ўхшайди, ҳиди хушбўй, мазаси эса аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқнинг мисоли ҳанзалага ([расмини кўринг](#)) ўхшайди, ҳиди йўқ, мазаси ҳам аччиқ» (Муттафақун алайҳ).

Шарх:

Куръон Аллоҳнинг Каломи, уни ўқиб-ўрганиш ва тиловат қилиш Аллоҳга энг яқинлаштирувчи ибодатлардан. Куръон ўқиган одамга Аллоҳ таоло катта ажру мукофотлар беради, Қуръон дунёда уни

ўқиган кишилар учун қиёмат куни шафоатчи бўлиб келади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръон ўқийдиган ва ўқимайдиган одамларнинг мисолларини келтирганларида иймон ва нифоқни таъмга, Қуръон тиловатини эса ҳидга ўхшатдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Қуръон тиловат қилишнинг фазли;
2. У қиёмат куни ўз эгаларига шафоатчи бўлиб келади;
3. Қуръон тиловатини хушбўйликка ўхшатилди;
4. Қуръон қиёмат куни даражаларнинг юксалишига сабаб бўлади.